



ПЕДАГОГНИНГ ЭЛЕКТРОН ПОРТФОЛИОСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Умарова Муножатхон Иброхимовна

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ТАТУ Фарғона филиали
магистранти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7588378>

ARTICLE INFO

Received: 21th January 2023

Accepted: 30th January 2023

Online: 31th January 2023

KEY WORDS

Электрон портфолио,
педагогик фаолият
натижалари, илмий-
методик фаолият, ўқув-
моддий базаси, электрон
сақланма, электрон
портфел.

ABSTRACT

Ҳар йили олий таълим муассасаларида педагог ходимларни фаолиятларини ўрганишлар амалга оширилади, педагог ходимлар эса ўз фаолиятларида эришган ютуқ ва марраларни ҳар хил турдаги хисобот шаклларда тақдим этадилар ҳамда бу ишни замонавий компьютер технологиялари орқали намойиш этиш вазифаси туради. Ушбу мақолада педагогнинг электрон портфолиосини турлари ва унинг баҳолаш тўғрисида маълумотлар берилган.

Замонавий ўқитувчилар ўз фаолиятларида АКТ воситалари, хусусан, электрон дарслик ва мултимедиялардан фойдаланган ҳолда сабоқ беришлари дарс жараёнига янги технологияларни жорий этиш билан таълим самарадорлигини ошириши ҳамда бир қатор муҳим афзаллик жиҳатларига эгаллиги ҳақида кўплаб фикрлар пайдо бўлмоқда. Бундай янги технологиялар қаторида электрон портфолиони ҳам алоҳида кўрсатиш зарур.

Электрон портфолионинг турли моделларидан фойдаланиш мумкин. Олий таълим муассасалари ўқитувчисининг электрон портфолиоси қуйидаги асосий турларга йўналтирилиши зарур:

1. **Ўқитувчи ҳақида маълумотлар:** портфолионинг ушбу бўлимида: фамилия, исми, отасининг исми, туғилган йили; маълумоти (таълим муассасаси номи, битирган йили, мутахассислиги ва диплом бўйича ихтисослиги); меҳнат ва педагогик тажрибаси, ушбу таълим муассасидаги иш тажрибаси; малака ошириш (курсларда тингланган тизим номи, йили, ойи, курслар проблематикаси); касбий ривожланиш индивидуал режаси, унда белгиланган мақсадлар ва ўз касбий ўсиши вазифалари, эгаллаши керак бўлган малакалар, яқин 2–3 йил мобайнида ўтишни мақсад қилиб қўйган тренинглари ва курслари (ўқитувчининг касбий ривожланиш мақсадлари ва вазифалари ўқитиладиган фани касбий стандартлари, талабаларнинг ўзлаштиришлари, олий таълим муассасаси режасига мос бўлиши керак); илмий ва фахрий унвон ва даражалари мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатлар нусхалари; ҳукумат мукофотлари, ёрлиқлари, миннатдорчилик номалари; турли танловлар дипломлари; аттестациядан ўтувчининг ихтиёри бўйича бошқа ҳужжатлар.



2. **«Педагогик фаолият натижалари»** (схемалар, графиклар ва жадваллар кўринишида 3 йил давомидаги ўқув фани соҳасидаги ютуқлари динамикаси, жумладан, кириш имтиҳонлари) — портфолионинг ушбу бўлимида талабаларнинг таълим дастурларини ўзлаштиришлари натижаларини ва педагог ўқитадиган фанлар бўйича уларда шакллانган асосий малакаларни ифода этувчи материаллар, қуйидагилар асосида 3 йил давомидаги: билимлари назорат ўлчамлари; талабаларнинг оралиқ ва якуний аттестациялари натижалари; иқтидорли талабалар мавжудлиги; битирувчиларнинг магистратурага ўқишга киришлари; талабаларнинг туман, шаҳар, минтақавий ва республика олимпиадалари, танловларида иштирок этишлари каби педагог фаолияти таҳлили жойлаштирилади.

3. **«Илмий-методик фаолият»** (ўқув ва тарбиявий ишларда замонавий таълим технологияларидан фойдаланиш): педагог томонидан танлаган таълим дастурлари ва ўқув-методик адабиётлар тўпламини асослаб берувчи материаллар; фойдаланиладиган таълим технологияларини асослаб берувчи материаллар; педагог томонидан ўз амалий фаолиятида қўллайдиган таълим натижаларини баҳолаш учун у ёки бу педагогик диагностика воситалари берилган материаллар; таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланилиши бўйича материаллар, ривожланиш муаммолари билан талабаларни ўқитиш методик технологиялари; методик бирлашмаларда ишлаши, касбий ва ижодий педагогик танловларда иштирок этиши, семинарлар, «давра суҳбатлари», мастер-классларни ташкил этиш ва ўтказиш; илмий тадқиқотлар ўтказиш; муаллифлик дастурларини ишлаб чиқиш; докторлик диссертацияси қўлёзмасини ёзиш; ижодий ҳисобот, реферат, мақолалар тайёрлашдан иборат.

4. **«Фан бўйича дарсдан ташқари фаолият»:** Талабаларнинг фан бўйича бажарган ижодий ишлари, рефератлари, ўқув-тадқиқотчилик ишлари, лойиҳалари рўйхати; олимпиадалар, танловлар, мусобақалар, интеллектуал марафонлар ва бошқалар ғолиблари рўйхатлари; ўтказилган тадбирлар фотосурат ва видеоматериаллари; тўғарак дастур материалларидан иборат.

5. **«Ўқув-моддий базаси»** (педагогнинг ўз кабинетини методик жиҳозлашга қўшган ҳиссаси): фан бўйича луғатлар ва бошқа ахборот адабиётларнинг мавжудлиги; кўرғазмали қўлланмаларнинг мавжудлиги (макетлар, жадваллар, схемалар, иллюстрациялар, портретлар ва бошқалар); дидактик материаллар, масалалар, машқлар тўпламлари, рефератлар ва иншолар намуналари ва шу кабиларнинг мавжудлиги; талабалар билимлари сифати ўлчамлари; техник воситаларнинг мавжудлиги (телевизор, видеомагнитофон, мусиқа маркази, диапроектор, компьютер ва таълим компьютерли воситалари, аудио ва видео қўлланмалар).

6. **«Ўз педагогик фаолияти натижаларини баҳолаш».**

7. **«Таклиф ва мулоҳазалар»** — талабалар, ҳамкасблари, маъмурият, ота-оналар баҳолари.

Портфолиони баҳолаш. Портфолио таълим муассасаси маъмурияти ёки тақдим этилиши мақсадига қараб жамоат органи томонидан баҳоланади. Баҳолашда портфолио барча материаллари талабалар натижаларига, педагог малакасини оширишга қандай таъсир кўрсатганлиги нуқтаи назаридан кўриб чиқилади. Шу



тариқа, педагог электрон портфели бир томондан, педагогнинг шахсий портфолиоси, иккинчи томондан, бошқа педагоглар, методистлар, IT-мутахассислар тажрибаларини бирлаштириш ва англаб етиш ҳисобланади.

Электрон портфелни яратиш учун: Microsoft FrontPage, Adobe Dreamweaver, Adobe Flash ва бошқа веб-нашрларни яратишга йўналтирилган турли инструментал дастурий воситалардан фойдаланиш мумкин. Электрон портфелни мазмун билан тўлдириш ишини ташкил этишда, педагогик фаолиятда муҳим бўлган материалларнинг тўғри танловида қуйидаги: турли мавзулар бўйича материаллар берилиши яхлитлиги; аниқ тузилмаси ва ти-зимлаштирилганлиги; чуқур ва сифатли ишлаб чиқилганлиги; тўғри баён этилиши; тартибли ва эстетик тайёрланганлиги; доимий ва мунтазам янгиланиши; дастурий-методик тўпламлар ишлаб чиқилиши талабларига мувофиқлиги жиҳатларига эътибор қаратиш зарур.

«Электрон портфел» мазмунини дастурий-методик мажмуа билан тўлдиришда таълим жараёнига ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ этишнинг муҳим йўналишларидан бири ўқитишда компьютер воситалари: электрон ўқув қўлланмалари; тест топшириқлари; мултимедияли тақдимот ва таълимий дастурлардан фойдаланиш бўлиб ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, агар ҳар бир ОТМ ўқитувчиси яхлит электрон портфелга эга бўлиб, барча муҳим материалларни жамласа, таълим жараёнини ташкил этишда аҳамиятли бўлган дидактик самарадорликка эришиш мумкин. Бундан ташқари, педагог ўзининг электрон портфелидан мустақил фойдаланиши ҳам, бошқа ўқитувчиларнинг ва IT-технологиялари мутахассисларининг энг яхши ишланмаларидан фойдаланишлари ҳам мумкин. Шу тариқа, электрон портфелни яратиш ва мазмун билан уни тўлдириш вақтида, ҳар бир ОТМ ўқитувчиси касбий маҳорати ўсишига, компьютер воситасида ўқитишга ҳамда ўз фани бўйича билим даражасини такомиллаштиришга эришади.

References:

1. Akbarov D., Abdukadirov A., Umarov S. Research of general mathematical characteristics of logical operations and table replacements in cryptographic transformations //AIP Conference Proceedings. – AIP Publishing LLC, 2022. – Т. 2432. – №. 1. – С. 060020.
2. Akbarov D. E. et al. Research on General Mathematical Characteristics of Boolean Functions' Models and their Logical Operations and Table Replacement in Cryptographic Transformations //CENTRAL ASIAN JOURNAL OF MATHEMATICAL THEORY AND COMPUTER SCIENCES. – 2021. – Т. 2. – №. 11. – С. 36-43.
3. Akbarov D. E. Umarov Sh. A.(2020). Applying Logical Operations and table replacements in modeling basic transformations of Symmetric block encryption algorithms //International Journal of Mechanical and Production Engineering Research and Development. – Т. 10. – №. 3. – С. 15041-15046.
4. Akbarov D. E., Umarov S. A. An Electronic Digital Signature Algorithm Based on a Composition of Computational Difficulties: Discrete Logarithm, Factorization, and Addition of Points of an Elliptic Curve //Common Information about the Journal A&SE. – 2020. – Т. 10. – №. 10.



5. Akbarov D. E., Umarov S. A. Выбор эллиптической кривой и базовой точки при разработке алгоритма сложения её точек с рациональными координатами на конечном поле //Вісник Київського політехнічного інституту. Серія Приладобудування. – 2018. – №. 55 (1). – С. 104-108.
6. Akbarov D. E., Umarov S. A. Новый алгоритм блочного шифрования данных с симметричным ключом //Вісник Київського політехнічного інституту. Серія Приладобудування. – 2016. – №. 52 (2). – С. 82-91.
7. Jamshidbek To'xtasin o'g U. et al. Xujjatlarni boshqarishning elektron tizimlarini ishlab chiqish va boshqarish tizimlari //TA'LIM VA RIVOJLANISH TAHLILI ONLAYN ILMIY JURNALI. – 2022. – Т. 2. – №. 7. – С. 16-18.
8. Sh U. Use of Chebyshev polynomials in digital processing of signals //International Journal of Advanced Research in Science, Engineering and Technology. – 2019. – Т. 6. – №. 2.
9. Sobirovich K. V., Mirzapulotovich E. O., Mirzaolimovich S. M. Advantages of using LMS as a System for Monitoring, Evaluating and Monitoring Learning Outcomes //International Journal of Development and Public Policy. – 2022. – Т. 2. – №. 2. – С. 1-5.
10. Umarov S. A. Research on General Mathematical Characteristics of Boolean Functions' Models and Their Logical Operations and Table Replacement in Cryptographic Transformations //Journal of Optoelectronics Laser. – 2022. – Т. 41. – №. 10. – С. 126-133.
- Umarov S. СИГНАЛЛАРНИ ХААРА ВА ВЕЙВЛЕТ-ХААРА СПЕКТРАЛ КОЭФИЦИЕНТЛАРИ ОРҚАЛИ ДАРАЖАЛИ КЎПЎҚАДЛАР КЎРИНИШИДА ИФОДАЛАШ //Журнал математики и информатики. – 2021. – Т. 1. – №. 2.
11. Umarov, S. A., & Akbarov, D. E. (2016). Working out the new algorithm enciphered the data with a symmetric key. Journal of Siberian Federal University. Engineering & Technologies, 9(2), 214.
12. Акбаров Д. Е. и др. Исследование Вопросов Необходимых Условий Идеально Стойких Алгоритмов Шифрования //CENTRAL ASIAN JOURNAL OF MATHEMATICAL THEORY AND COMPUTER SCIENCES. – 2021. – Т. 2. – №. 11. – С. 65-70.
13. Акбаров Д. Е. и др. Исследования вопросов критериев криптостойкости алгоритмов непрерывного шифрования //CENTRAL ASIAN JOURNAL OF MATHEMATICAL THEORY AND COMPUTER SCIENCES. – 2021. – Т. 2. – №. 11. – С. 25-35.
14. Акбаров Д. Е. и др. Исследование особенностей критерия стойкости алгоритма хеш-функции //CENTRAL ASIAN JOURNAL OF MATHEMATICAL THEORY AND COMPUTER SCIENCES. – 2021. – Т. 2. – №. 11. – С. 60-64.
15. Акбаров Д. Е., Umarov Ш. А. Алгоритм электронной цифровой подписи на основе композиции вычислительных сложностей: дискретного логарифмирования, разложения на простые множители и сложения точек эллиптической кривой //Автоматика и программная инженерия. – 2020. – №. 2 (32). – С. 29-33.
16. Обухов В. А. и др. МОДЕЛИРОВАНИЕ РЕГИСТРОВ ПРОЦЕССОРА //Journal of new century innovations. – 2022. – Т. 11. – №. 1. – С. 169-178.
17. Рахмонов З. Р., Умарова М. И. ЭЛЕКТРОН ПОРТФОЛИОНИ ЯРАТИШ МАСАЛАЛАРИ //Central Asian Research Journal for Interdisciplinary Studies (CARJIS). – 2022. – Т. 2. – №. Special Issue 2. – С. 110-116.



18. Умаров Ш. А., Акбаров Д. Е. Разработка нового алгоритма шифрования данных с симметричным ключом //Журнал Сибирского федерального университета. Техника и технологии. – 2016. – Т. 9. – №. 2. – С. 214-224.
19. Умаров Ш. А., Умарова М. И. ПОНЯТИЕ О ДРЕВОВИДНЫХ СТРУКТУРЫ ДАННЫХ //Интернаука. – 2021. – №. 5-1. – С. 9-12.
20. Ходжиматов Ж. М., Хамидов Э. Х., Собиров М. М. ОСНОВНЫЕ СОВРЕМЕННЫЕ ЯЗЫКИ ПРОГРАММИРОВАНИЯ //Journal of new century innovations. – 2022. – Т. 11. – №. 1. – С. 136-143.
21. Шоймардонов Т. Педагог кадрлар малакасини ошириши ва касбий фаолияти мониторингини ташкил этишнинг электрон тизими. Автореферат. Т. Академия ноширлик маркази, 2017.
22. Эргашев О. М. Обеспечение информационной безопасности радиотехнических систем //Теория и практика современной науки. – 2018. – №. 6. – С. 689-691.
23. Эргашева Ш. М. Использование инновационных технологии по подготовке педагогических кадров //Теория и практика современной науки. – 2018. – №. 6. – С. 692-694.
24. Mavlonjon o'g M. M. et al. RATIONAL ROSE TEXNALOGIYASI. CASE TEXNALOGIYASINING VOSITALARI VA IMKOIYATLARI //IJODKOR O'QITUVCHI. – 2022. – Т. 2. – №. 20. – С. 93-97.